Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 27 январь, Чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 7 (7101)

Da'vat

Инсон дунёни қанчалик билса, ўзлигини ҳам шунчалик англайди.

Иоганн ГЁТЕ

Ibrat

Мўйноқ тумани ташкилотлари ўртасида ўтказилган Экология ва саломатлик танловида 3-мактаб ва 6-болалар боғчаси жамоалари иккинчи ўринни эгалладилар. Таълим-тарбия масканлари йил давомида атроф-муҳит тозалигини сақлаш борасида амалга оширган ишлари туфайли бошқаларга ўрнак деб топилди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ижрочи котиби Борис Березовскийни қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси «Лизинг тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси эълон қилинди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Ғофуржон Қодирович Тешаев Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита раиси этиб тайинланди.

• Вазирлар Маҳкамасида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

• АҚШ ва Буюк Британиянинг ўтган йил декабрь ойида Ироққа ҳаводан зарба берганлиги Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинмас экан, Бағдод маъмурияти БМТ текширувчилари билан ҳамкорликни давом эттиришга рози бўлмайди, деб баёнот берди Ироқ ҳукумати.

• Яқинда Венесуэла Президенти этиб сайланган Уго Чавес бу лавозимни бажаришга 2 февралдан эътиборан расман киришади.

• АҚШнинг савдо музокаралари бўйича вакили Шарлен Баршевскининг таъкидлашича, агар Япония АҚШ бозорида пўлат экспорт қилишни камайтирмаса, унга нисбатан савдо-сотиқ бўйича кескин жазо чоралари жорий қилинади.

• Аргентина ҳукумати АҚШ билан долларни Аргентинанинг расмий валютасига айлантириш борасида музокаралар олиб бормоқда.

ЁШЛАР ВА АНЪАНАЛАР

Mulohaza

Халқнинг маънавий қадриятлари, мероси, ёшларнинг ҳаётида, маънавий ва ахлоқий қадриятларни ўзлаштириб, баркамол авлод бўлиб етишишида муҳим ўрин тутади. Ёшларнинг анъаналарга муносабати уларнинг қарашлари, тафаккур тарзи, ҳаётий тамойилларида ўзининг ифодасини топади. Уларнинг маънавий қадриятларга муносабати қандай? Ёшларимиз қарашлари анъаналарга мосми? Умуман, анъаналар ёшларнинг туйғуларига таъсир кўрсатишда, улар онгида янгича дунёқарашни шакллантириб, маънавий заифлик, фикр қарамлиги иллатларидан озод қилишда муҳим омилдир. Бироқ бу жабҳада талайгина муаммолар мавжудлиги ҳам сир эмас.

Таъкидлаш керакки, халқимизнинг маънавий қадриятига айланган кўпгина анъаналар оилада фарзанд дунёга келиши, ўғил ва келин-куёв тўйлари билан боғлиқ. Бу удумларнинг қай тарзда ўтказилиши бир томондан ота-оналарга боғлиқ бўлса, иккинчи тарафдан, анъаналарни ўтказишда қарор топган таомиллар, одатларга ёшларнинг муносабатига ҳам боғлиқ.

Инсон ақл-идрок соҳиби сифатида, узлуксиз равишда, анъаналарни замон, шароит, имкониятлар, мамлакат ва халқ олдида турган мақсад ва вазифалар билан уйғунлаштириб бормоғи лозим. Бу уйғунлик бузилганда эса инсонларнинг имконият даражалари билан жамиятдаги урф-одатлар, анъаналар ўртасида муайян номувофиқлик вужудга келади. Бу ҳолатда: а) инсон онгида ва тафаккурида амал қилаётган таомилларга лоқайдлик; б) анъаналарни юзаки қабул қилиш; в) мавжуд анъана ва урф-одатлар таъсирига тушиб қолиш; г) анъаналарнинг маъно ва мазмунини сарф-харажатлар билан ўлчашга мойиллик намоён бўлади.

Таомилларни белгилашда ота-она, маҳалла ва унинг фаоллари, жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, ўрни муҳим. Уларнинг умумий маданий - маърифий даражаси, фаоллиги, маҳалладаги мавқеи, ибрати, одамларнинг орасидаги обрў-эътиборлари, мамлакат олдида турган мақсад ва вазифаларини тушуниш даражалари анъаналарнинг турмушимизга мос бўлишида етакчи омиллардир. Ёшлар улардан ибрат олади. Уларнинг кўз ўнгида ўтказилаётган тадбирлар, тўй-томоша маросимларнинг ёшлар онги ва хатти ҳаракатларига таъсири бўлади. Ёшларни ана шу анъаналардан ажралган ҳолда кўриш мумкин эмас. Чунки ҳар бир оила, маҳаллада ўтказилаётган тўй-ҳашамни ёшларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, улар ота-оналарнинг орзу-ҳаваси сифатида болалари, ёшлар учун ўтказилади. Вақти келиб ёшлар ҳам ана шундай тўй-томоша берадилар. Шунда уларнинг ҳаётни қандай идрок этишлари, анъаналарга қандай муносабатда бўлишлари аён кўринади. Дарҳақиқат, ота-она бола учун яшайди ва болалари олдида ўзларини бир умр қарздор, деб ҳисоблайдилар. Айни пайтда «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар; Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етганларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясида. Шунинг учун муаммонинг ҳар икки томонини ҳисобга олиш, яъни вояга етмаган ва вояга етган, меҳнатга лаёқатли ва меҳнатга лаёқатсиз ёшларни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг анъаналарга муносабатларини баҳолаш муҳимдир.

Хўш, меҳнатга қобилиятли, балоғат ёшига етган ёшлар уйланиш ёки турмушга чиқиш билан боғлиқ муаммоларни, мустақил ҳаёт йўлларини ўзлари танлаб, оила масъулиятини, мажбуриятларини тўла ҳис этган ҳолда қадам ташлаяптиларми? Тўғри, кўпгина ёшларимизда бунга хоҳиш билан бирга ҳаракат ҳам бор. Улар ўз ҳаётларини асосан ўзлари қурмоқдалар. Ўз бахтларини топиб тинч-тотув, аҳил яшамоқдалар. Инсоний меҳр - оқибат, ўзаро ҳурмат-иззат улар фаолиятида, ота-она, қариндош-

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёш дафтарига

ЯНГИ УСКУНА

АҚШдаги нуфузли »Майкрософт» компанияси мутахассислари томонидан яратилган янги турдаги телефон ускунасига керакли рақам ёки телефон эгасининг исми айтилса бас. У овоз ва бошқарув тармоғи орқали тезда керакли манзилни улаб беради. Мазкур телефонларни шахсий компьютерларга улаган ҳолда, улардан янада самарали фойдаланиш мумкин.

ХИТОЙЛИКЛАРНИНГ ПЕШИНДАГИ УЙҚУСИ

Тушликдан кейин одамни лоҳас қиладиган уйқуни хитойликлар табиий деб билишади ва улар бу эҳтиёжини қондириш учун пешинда 20-30 минутлик имкониятга ҳам эга. Ишхонада жиндай «қуш уйқу»сини олиш зарурлиги хусусида Хитой қонунларида белгилаб қўйилган. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, тушда озроқ мизғиб олиш соғлиққа , шунингдек, иш унумдорлигини ошириш учун фойдалидир.

МАҲСУЛОТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Японияннинг «Ви Синк» компанияси мутахассислари томонидан компьютер музлатгич яратилди. Мазкур музлатгичнинг асосий хислати - ўзида сақланаётган маҳсулотларнинг қай аҳволда эканлиги ва улардан қандай таомлар тайёрлаш мумкинлиги хусусида соҳибига батафсил маълумотлар бериб туради.

ГУЛЛАР МАМЛАКАТИ

Нидерландиядаги Алсмере шаҳрида дунёдаги энг катта гул бозори бўлиб, бозор биносининг саҳни 30 та футбол майдонига тенг келади. Мазкур бозорда йилига 1 миллиарддан ортиқ атиргул сотилади. Шунингдек, ушбу мамлакатда етиштириладиган гуллар 140 дан зиёд давлатга экспорт қилинади.

МУҲОКАМАДА ҚАТНАШИНГ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Ўқувчилар билим даражалари сифатини назорат этишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги низом лойиҳаси газетамизнинг 26 август сонида чоп этилган эди. Ўтган вақт давомида бу борада жойлардан жуда кўплаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди ва бу таклифлар ХТВ томонидан ташкил этилган 8 та ижодий гуруҳдан иборат мутахассислар томонидан тўла ўрганиб чиқилди. Шу мавзуда Республика Таълим марказида республика семинари бўлиб ўтди. Айни пайтда махсус гуруҳлар билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг энг яхшиларини саралаб, мазкур Низом лойиҳаси бўйича ишлаётган республика комиссиясига тавсия этди. Ушбу тавсиялар, шунингдек, республикамиз ва бошқа давлатларда тўпланган ижобий тажрибалар, шу жумладан фаол қатнашчилар А.Х.Абдуллаев, А.Бойжумонов, Г.Я.Алимова, Р.Х.Акмирзаев, Р.Ш.Аҳлидинов, С.Р.Волкова, Р.Гигинеишвели, М.Жўраева, Р.Ҳ.Жўраев, А.Б Зиямуҳамедов, Ж.Икромов, О.Ю Калонтаров, У. Н.Нишоналиев, З. Раҳмонов, З.М. Сатторов. М.Тожиев, Қ.Тўлабоев, Н.Ш.Турдиев, Б.Л.Фарберман, В.С.Фефелов, Э.Гозиевлардан иборат ижодий гуруҳлар томонидан тақдим этилган материаллар Низом лойиҳасини бойитиш мобаойнида кенг таҳлил қилинди, ҳамда умумлаштирилган ҳолатда фойдаланилди.

Мазкур лойиҳа Республикамизнинг барча умумий ўрта таълим мактаблари педагогик жамоаларида муҳокама қилинниши, вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бўйича умумлаштирилган хулосалар шу йилнинг 10 февралигача Халқ таълими вазирлигининг Умумий ўрта таълим Бош бошқармасига етказилиши керак.

Умумий ўрта таълим муассаса (мактаб) ларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низом лойиҳаси билан газетамизнинг 3 - саҳифасида танишасиз.

ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий ривожланиш маҳмуининг ўтган йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлди. Унда мажмуа тизимидаги вазирлик ва идоралар, қўмита ва концернлар, компания ва уюшмалар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, мутахассислар қатнашди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳ. Кароматов бошқарди.

Республика олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, «Устоз» республика жамғармасининг ижрочи директори А.Абдувоҳидов, соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Д.Асадов, «Ўзфармсаноат» давлат акционерлик концерни бошқаруви раиси К.Шодиев, Ўзтелерадиокомпанияси раиси А.Кўчимов, халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев ва бошқаларнинг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда давлатимиз сиёатининг муҳим йўналишларидан бири бўлган ижтимоий соҳага, уни ривожлантириш масалаларига жуда катта эътибор берилаётгани, ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда бу борада жиддий натижаларга эришилганлиги таъкидланди. Айниқса, соҳанинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланмиш таълимни ривожлантиришда ҳам ижобий ишлар амалга оширилди.

Таълим тараққиётига доир қатор ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар — «Умумий ўрта таълим давлат стандарти», «Умумий ўрта таълим муассасалари (мактаблари) ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули тўғрисида Низом» лойиҳалари ишлаб чиқилди, «Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаби)нинг муваққат намунавий Устави» тасдиқланди. Ҳозирги кунда Республикамиз миқёсида 23 ўқув фани бўйича 24 мактабда тажриба-синов ишлари олиб борилмоқда.

Таълим жараёнида кечаётган янгиликлар, илғор тажрибалар, янги педагогик технологияларни ўз вақтида етказиш мақсадида «Таълим тараққиёти» ахборотномаси чиқа бошлади.

Халқ таълими вазирлиги Республикамизнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонунларини ҳаётга татбиқ эта бориб, халқ таълими муассасаларида меҳнат қилаётган педагогик ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ТИЛАКЛАРГА ИНГАН ЎГИТЛАР 2-БЕТ

ХУШХУЛҚЛИК АСАБНИ АСРАЙДИ 4-БЕТ

E`tibor

АВСТРИЯГА ЙЎЛ ШЕРОБОДДА ТУГАДИ

Сиз 1998 йилда Сурхондарё вилоятида 1 - ўринни, Республикада олий ўринни эгаллаган, Санкт-Петербург шаҳрида ўтказилган «Белые ночи - 98» кўрик танловида лауреат бўлган, афсуски Австрия давлатида бўлиб ўтган «Жаҳон ҳаваскор киноматографчилари фестивали»га қатнаша олмаган шеробоблик ёш киноматографчилар ҳақида нималарни биласиз?

Бу ёруғ олам болалар учун ўйинлар билан қизиқ. Шундай эмасми? Худди шундай жаҳон болалари миллати ва элатидан, ирқи ва тилларидан қатъий назар ўйинлар орқали бир зумдаёқ бирбирлари билан дўстлашиб кетадилар. Бироқ шуни унутмаслигимиз керакки, ҳар бир мамлакат болаларининг миллий ўйинларида шу юрт, шу халқнинг қадим урф-одатлари, миллий қадриятлари, эзгу ниятлари мужассамлашган бўлади.

Шеробоблик иқтидорли муаллим, туман ўқувчи - ёшлар техник ижодиёт марказининг «Кинофото» тўгараги раҳбари Чори Тошмуродовда шеробоблик болаларнинг миллий ўйинларини жаҳон болалари орасига олиб чиқиш орзуси пайдо бўлди. Хўш, нима қилиш керак? Ишни нимадан бошлаб, қандай давом эттириш керак?

Тан олиш керакки, Чори Тошмуродовда бу борада анча-мунча тажриба бор. Аввалambор, у шу соҳа мутахассиси, Тошкент маданий оқартув билим юртининг кино-фото тўгараги раҳбари бўлимини тугатган, ўн йилдан ортиқ иш тажрибасига эга.

Чори Тошмуродов раҳбарлигида шеробоблик ёш киноматографчилар томонидан ишланган «Тандир гўшти-лаззатли таом», «Менинг бобомни биласизми!» фильмлари республика кўрик танловларида фахрли ўринларни эгаллаган.

Хуллас, Чори Тошмуродов «Қизил империя» ҳукмронлиги остидаги йилларда деярли унутилган ва истиқлол шарофати билан қайта тиклана бошлаган миллий ўйинларимизнинг кино сценарийсини ёзди. Иш бошланди. Ҳамма-ҳаммаси Шеробод туманида «Красногорск-3» русумли тасвирга олувчи аппаратда, ўқувчилар билан биргаликда олиб борилди.

Интилганга толе мададкор. Бир сидрага режадаги ҳамма ишлар ниҳоясига етди. 1998 йил бошида ўқувчиларнинг «Шеробод болаларининг миллий ўйинлари» фильми Сурхондарё вилояти ёш киноматографчилари кўрик - танловида фахрли биринчи ўринни олишга муяссар бўлди. Тинимсиз олиб борилган икки йиллик изланишлар зое кетмади, шеробоблик ёш киноматографчилар 1998 йилнинг май ойи охирларида Тошкентда бўлиб ўтган «Республика ўқувчиларининг кино - фото кўрик танлови»да ўзларининг фильмлари билан иштирок этишиб, олий ўринни қўлга киритишди. Ушбу кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъати «Шеробод болаларининг миллий ўйинлари» фильмига Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтадиган «Ҳаваскор киноматографчилар» кўрик танловига йўлланма берди.

— Россия ҳукумати киночилари уюшмаси ташаббуси билан ўтказилаётган, «Белые ночи – 98» номи билан

(Давоми 2-бетда)

Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 14-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Рисолатхон Ҳотамова «Йил ўқитувчиси – 98» республика кўрик-танловида «Энг зукко ўқитувчи» номини олди. Гап шундаки, у ўқувчиларни турли хил ўйинлар орқали математика оламига бошлайди. Шу боис ўғилқизлар изланувчан муаллиманинг дарсларини ҳар доим интизорлик билан кутишади.

Суратда: энг зукко ўқитувчи Р. Ҳотамова ўқувчиларини навбатдаги математик ўйин-машғулотига жалб этаяпти.

Равиль АЛЪБЕКОВ олган сурат

Yangi nashr

ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Қилиниши лозим бўлган ишнинг мазмуни, мақсади унинг ижрочиси томонидан қанчалик тушунилиши, идрок этилиши якуний натижа салмоғини белгилайди. Яқиндагина ўз муштарийлари қўлига теккан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг «Таълим тараққиёти» деб номланган ахборотномасининг асосий вазифаси ҳам айнан шундан иборат. Бу нашрни биз тўғридан-тўғри ҳозирда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар даврида юзага келаётган эҳтиёж меваси деб аташимиз мумкин. Эҳтиёж эса таълим борасидаги барча янгиликларнинг асоси бўлган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг моҳиятини англаш ва уни ҳаётга татбиқ этиш учун йўлланма олишдир.

Жўра Йўлдошевнинг «Портлаш эффекти» сари йўл», деб номланган мақоласида

Албатта, кўпгина нашрларга эга бўлган Халқ таълими вазирлигига ахборотномага талаб бормиди, деган саволлар ҳам туғилган бўлиши мумкин. Уларнинг барчасида ҳам ўзига яраша «юк» бор. Ахборотноманинг илк сони Президентимизнинг бугун машҳур бўлиб кетган «Портлаш эффекти» ҳақидаги фикрлари билан бошланади. Бу фикрлар замиридаги вазифалар таълимимизнинг асосий йўналишидир.

Халқ таълими вазири худди ана шу вазифалар ижроси ҳақида гап боради. Келинг ундан бир иқтибос келтирамиз: «Мустақил фикрла» ёки «Одобли бўл» деган билан болаларимиз биз ўйлаганчалик фикрли, билимли ёки тарбияли бўлиб қолмайдилар. Бу жараён энг яхши дастурлар, дарсликлар ва албатта уларнинг моҳиятини, йўналишларини кўрсатиб, тушунтириб берадиган меъёрий ҳужжатлар билан амалга ошади. Булардан барча педагоглар хабардор бўлишлари талаб этилади. Демак, энг яхши педагоглар, таълим раҳбарларининг тинимсиз ўқиши, изланишигина миллий дастурдан кутилган натижаларни оладиган ахборот майдонини яратиш ҳисобланади. «Таълим тараққиёти» ахборотномаси ўша майдондаги маълум бўшлиқни тўлдириши лозим».

Мақолада Республика Президенти, Ҳукумати, Халқ таълими вазири томонидан чиқарилаётган таълимни ривожлантиришга, унинг истиқболларини белгилашга қаратилган фармонлар, қарорлар ва меъёрий ҳужжатларини кўп минг сонли таълим тизими ходимларига етказиш Ахборотноманинг асосий ишларидан бири сифатида қайд этилган. Бироқ бунинг ўзигина етарли эмаслиги, улар ижросининг мониторингги асосида таҳлиллар натижалари, ютуқлар, мавжуд муаммолар, камчиликлар, уларни йўқотиш йўлларини ёритиш лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланган. «Таълим тараққиёти»да бу каби мавзулар қаторида педагогларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, янгиликлар, ривожланган демократик мамлакатлар педагогикаси, янги адабиётлар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам бериб бориш мўлжалланган.

Мазкур илк сонда, асосан, Таълим ислоҳотлари борасида чиқарилган ҳукумат қарорлари ўрин олган.

Йўлинг ойдин бўлсин, «Таълим тараққиёти»!

ХАБАРЛАРИ

OMMALASHTIRILDI

Yaxshi ish tajribasi ko'pchilikka yetib borsagina, ibratga loyiqdur. Qonliko'l tumanidagi 23 - va 11 - maktablarning ingliz tili o'qituvchisi Oltin Qo'chqorova, kimyo-biologiya o'qituvchisi Ibragim Qutlimurotov hamda fizika o'qituvchisi Po'lat Kamolovlarning ilg'or pedagogik ish uslublari bir necha yil davomida o'rganildi. Bu borada tuman xalq ta'limi bo'limi va Qoraqalpog'iston respublikasi pedagogik xodimlar malakasini oshirish instituti xodimlari jonbozlik ko'rsatishdi. Natijada ilg'or o'qituvchilarning ish tajribalari plakat tarzida nashr etilib, respublika maktablariga tarqatildi.

G'oyib YOQUBOV

AL-BUXORIY ZIYORATI

Oqoltin tumanidagi 28-ingliz tilini chuqur o'rganuvchi maktabning o'qituvchilari xadisshunos olim Imom al-Buxoriy maqbarasini ziyorat qilgani bordilar. O'qituvchilar va o'quvchilarga xadis ilmining sultoni hayoti va faoliyati, uning «Xadis» lari haqida ziyoratgoh xodimlari chuqur bilim berdilar. O'qituvchilar va o'quvchilar shu kuni Samarqandning tarixiy joylari Bibixonim maqbarasi, Shohi Zinda, Amir Temur maqbaralari, Ulug'bek rasadxonasi bilan tanishdi.

Anvar JAVLONOV

XOTIRA VA DIYDOR

Samarqand viloyati Qo'shrobot tumanidagi 55 - maktabga 20 yil oldin bitirgan sobiq o'quvchilar o'tgan ustozlari xotirasini yod aylash maqsadida yig'ildilar. Sinfdoshlar ko'p vaqt o'tib diydorlashuv onlarida bir necha yil ilgari ustozlariga ayta olmagan minnatdorchiliklarini xadya etdilar. Maktab o'quvchilari qalbida pok, g'uborsiz havaslar uyg'ota olgan tadbir bir piyola choy ustida davom etdi.

Nigora NAVRO'ZOVA

ХАБАРЛАРИ

MMM

МАКТАБ ОЛИМПИАДАСИ

Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 3-гимназияда бошланғич синф ўқувчилари ўртасида фанлар бўйича олимпиада ўтказиш анъана тусига кирган. Бу йилги олимпиадани 2 босқичда ўтказишга тўғри келди. Сабаби, декабрь ойида ўтказилган 1-босқичда ғолибликка даъвогарлар кўплиги маълум бўлди. Ягона ғолибни аниқлаш мақсадида январ ойида 2-босқич фан олимпиадаси ўтказилди. Натижада ўқиш, она тили, иқтисодий билим асослари, математика, рус тили, чет тили ва информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанлари бўйича Ж.Жўрабеков, Б.Жалилов, Ҳ.Сулаймонов, А.Раҳмонов, М.Сулаймонова, Ш.Менглиев, Ш.Жалилова, Д.Мавлонова, А.Муртазоев, Р.Бекметов, Г.Эшбоева, А.Раҳимов, З.Маллабоев, М.Қурбонов, Ш.Муҳаммаджоновлар I-IV синфлар ўртасида ягона ғолиб бўлдилар.

Шуни айтиш керакки, гимназияда инглиз тили, иқтисодий билим асослари, информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фанлари 1-синфдан бошлаб фан сифатида ўқитилмоқда. Бу эса ўқувчиларнинг иқтидорларини рўёбга чиқариш ва ривожлантиришда муҳим тажриба бўлаётир.

Насиба ҲАЙИТОВА,
Узун туманидаги
3-гимназиянинг
ўқувчилар етакчиси

ТАҲЛИЛИЙ ҲИСОБОТ

(Боши 1-бетда)

Республика умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг 62,2 фоизи турли хил фан ва спорт тўгаракларига жалб қилинган. Бу борадаги ишлар Тошкент шаҳрида (94,8 %), Наманган (93,2%), Андижон (82,2%), Самарқанд (76,7%) вилоятларида яхши йўлга қўйилгани ҳолда, Навоий вилоятида жами ўқувчиларнинг 24,5 фоизи, Тошкент вилоятида 36,2, Сурхондарё вилоятида 41,6, Қорақалпоғистон Республикасида 42 фоизигина турли тўгаракларга қамраб олинган, холос.

Балоғатга етмаган ёшлар ўртасида жиноят содир этиш 1998 йилнинг 11 ойи мобайнида аввалги йилга нисбатан 13,4 фоизга камайган. Бу ҳолатлар Самарқанд вилоятида 57,1 фоизга, Хоразмда 45 фоизга камайганлиги эътиборга лойиқдир. Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқий тарбия бўйича еғарлича иш олиб борилмаётганлиги сабабли балоғатга етмаган ёшлар ўртасидаги жиноятчилик Андижон вилоятида 52 фоиз, Сирдарёда 31,5, Жиззахда 18,1, Сурхондарёда 16, Бухорода салкам 10 фоизга кўпайган.

Таълим ислоҳотларининг муваффақияти энг биринчи навбатда ўқитувчи шахсига боғлиқлиги маълум. Буни инобатга олган ҳолда Республикамиз Президенти, ҳукуматимиз, халқ таълими вазирлиги муассасаларни етук мутахассислар билан таъминлаш, кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш юзасидан зарур чораларни кўрмоқда. Шунга қарамай, 1998 йилда 12447 ходим, шу жумладан 2721 тарбиячи, 8971 нафар ўқитувчи, мактабдан ташқари муассасаларнинг 755 ходими турли сабабларга кўра таълим-тарбия муассасаларини тарк этган. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар туфайли Қашқадарё, Фарғона, Андижон, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида кадрлар қўнимсизлиги ҳолатлари камайди, бироқ, бу салбий ҳол Тошкент, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларида юқорилигича қолмоқда.

Боғча ёшидаги болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш атиги 17,6 фоизни ташкил этади, холос. Бу борадаги кўрсаткичлар Қашқадарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида ниҳоятда паст.

Мазкур таҳлиллар вилоят халқ таълими бошқармаларининг келажакдаги фаолият режаларини белгилашда, ўз иш натижаларидан тегишли хулосалар чиқариш, шу асосда иш юритишда маълум аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Tajriba-sinov maydonchalarida

ЯНГИ ДАРСЛИК ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида белгиланганидек, умумий ўрта таълимнинг таълим дастурлари ўқувчиларнинг мунтазам билим олишини, уларда билим олиш эҳтиёжини ривожлантиришни, асосий ўқув, илмий ва умуммаданий билимларни шакллантиришни таъминлаши лозим. Бу борада жойларда қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, ижтимоий ҳаётда иқтисодий билимларнинг аҳамияти ва ўрни тобора ортиб бориши инобатга олиниб, кенг оммани иқтисодий саводини ошириш юзасидан ҳам махсус давлат дастурлари ишлаб чиқилган, уларни синаш учун республика ва вилоят миқёсларида тажриба-синов майдончалари ташкил этилган. «Иқтисодий билим асослари» (8-9-синфлар учун) фанидан ўқитиш синов дастури Тошкентдаги 138- ва 166-мактабларда тажриба қилинмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти ташаббуси билан Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 138-мактабда «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича барча вилоятлардаги тажриба-синов майдончалари ўқитувчилари ва мазкур фан услубчиларининг амалий семинари ўтказилди. Семинар аввалида биз РТМнинг иқтисодий таълим бўлими бошлиғи Феруза Собирова ҳамда жойларда тажриба-синов ўтказаётган ўқитувчилар Дилфуза Иляшева (Бахмал туманидаги 33-мактаб), Манзура Тошева (Бухоро шаҳридаги 13-мактаб), Флюра Юнусова (Андижон туманидаги 13-мактаб), Алишер Саъдинов (Нарпай туманидаги 33-мактаб), Ҳалима Астанақулова (Денов шаҳридаги 82-мактаб), Хурихон Муллажонова (Қувасой шаҳридаги 24-мактаб), Муҳаббат Ражабова (Янгиер шаҳридаги академик лицей)лар билан суҳбатлашдик. Айтиш жоизки, тажриба-синов майдончаларида маълум даражада ютуқларга эришилган. Бироқ ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, Бухоро вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш институти «Иқтисодий ва ҳуқуқий таълим» кафедраси мудири Юсуф Каримов бу борадаги фикларини билдириб, жумладан, шундай деди:

— «Иқтисод билим асослари» фани бўйича тажриба-синов дастури Бухоро шаҳридаги 13-мактабда (директори Х.Саидова) илғор муаллима Манзура Тошева бошчилигида олиб борилаяпти. Иш натижалари шу нарсага гувоҳлик бердики, ўқувчиларда мазкур фанга қизиқиш ва иштиёқ ортиб бораяпти. Бироқ жараёнда 8-9-синфларга мўлжалланган режа баъзи камчиликлардан холи эмаслиги маълум бўлди. Масалан, ҳар қандай фан сингари «Иқтисодий билим асослари» ҳам илмий тушунчаларга асосланган ҳолда ўрганилиши мақсадга мувофиқ, чунки узлуксиз иқтисодий таълимнинг бошланғич босқичларида иқтисодий таълим ХТВнинг 1997 йилдаги 6/1 қарорига биноан фанлар мазмунида ўтилиши назарда тутилган. Табиийки, бу ҳол уларнинг илмий тушунчалар асосида фанни ўзлаштириш имкониятларини чегаралаб қўяди. Ундан ташқари, дастур режаларининг айримлари ДТСга мос тушмайди.

Бир сўз билан айтганда, халқимиз бой тарихий ўтмишга эга. Шу боис Шарқ ва Ғарб олиму фузололарининг иқтисодиёт тўғрисидаги қарашлари дастурдан ўрин олса, нур устига нур бўларди.

Йиғилганлар суҳбат жараёнида ушбу семинар ўз вақтида уюштирилганлигини алоҳида таъкидладилар. Очиқ, ишчанлик, баҳс-мунозараларга бой ўтган мазкур йиғинда муаллимлар синовга тавсия этилган дастурнинг ютуқ ва камчиликлари, давлат стандарти асосида яна янги тушунчаларни киритиш зарурлигини айтдилар. Айниқса, 8-9-синф дастурида иқтисодий билим асосларини мактаб учун мўлжалланган барча тушунчалари, қонун ва қоидалари содда ва тўлиқ ёритилиши ва шу асосида дарслик ва қўлланма яратилиши ҳақида ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, қимматли фикрларини билдирдилар. Башарти, 9-синф учун амалдаги ҳафталик 1 соат дарсни 2 соатга кўпайтириш, тажриба-синов майдончалари ўқитувчиларига ваъда қилинган 1,5 ставкалик иш ҳақини тўлаш лозимлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Баҳс-мунозаралар ва тажриба алмашишлардан сўнг йиғилиш қатнашчилари эътиборига муаллифларнинг яратилажак янги ўқув қўлланмасининг тузилиши ҳам ҳавола этилди. Бунда синовдаги дастурга билдирилган таклифлар ва тузатилган ўзгаришлар ҳам ҳисобга олинади.

Семинар сўнгида 138-мактабнинг 8-9-синф ўқувчилари билан тажриба-синов майдончаси ўқитувчиси Бахтиёр Каримовнинг очиқ дарслари кузатилди. «Иқтисодий билим асослари» фани бўйича ўқувчиларнинг ижодий ишларидан намуналар, мактабда яратилган қўлланмалар тарқатилди.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Tuhfa

«PFAFF SINGER» — ЎҚУВЧИЛАРГА!

Янги асрга қадам қўяр эканмиз, биз ёшларимизни замонавий техника ёрдамида малакали мутахассис қилиб етиштиришимиз даркор. Зеро, ўқувчиларимизда замонавий билим ва кўникмалар нафақат қалам, дафтар, бўр ва доска орқали, балки янги технологиялар, янги-янги анжомлар, замонавий асбоб-ускуналарда ишлай билиш лаёқати билан ҳам шаклланади.

Ана шу каби фикрлар куни кеча пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган 4-касб-ҳунар мактабида бўлиб ўтган тақдимот маросимида қайта-қайта тилга олинди. «PFAFF SINGER Савдо уйи» кичик корҳонаси томонидан ушбу мактабда тажриба-тикув синфининг тантанавий очилишида ОЎМТВнинг ЎМКҲТ Маркази ходимлари, шаҳар ЎМКҲТ бошқармасига қарашли ўқув муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

ЎМКҲТ Маркази раиси Рисбой Жўраев германияликларнинг ушбу туҳфаси мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларга хусусан, касб-ҳунар таълими ўқув муассасаси ўқувчиларини бутун бир синф-мажмуа билан жиҳозлашга қўшилган муносиб ҳисса эканлигини таъкидлади.

«PFAFF SINGER» концерни вакили Виктор Тарасов эса ушбу тақдим этилаётган тикувчилик асбоб-анжомлари мажмуасидан ташқари, уларни ишлатиш жараёнида зарур бўлган услубий ёрдамни ташкил этиш мақсадида яқин кунларда услубчи-консультантлар сафарбар қилинажаклигини, шунингдек, ЎМКҲТ Маркази билан ана шундай синфларни бошқа ўқув муассасаларида ҳам очишга доир лойиҳалар бўйича ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирди. Мазкур концернинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси директорининг ўринбосари Рустам Зуфаров Ўзбекистон енгил саноатининг тикувчилик тармоқларига «PFAFF SINGER» русумидаги компьютерлаштирилган тикув машиналари ёрдамида малакали мутахассислар тайёрлашда иштирок этишдан беҳад миннатдор эканлигини айтиб ўтди.

Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Ж.Ҳусанов иштирок этди.

Тадбир 4-касб-ҳунар мактабида тажриба-тикув синфини ўрнатиш бўйича шартноманинг имзоланиши билан якунланди.

Нурлан УСМОНОВ

Суратда: "PFAFF SINGER" тикув синфидаги илк машғулот.
В.КИРИЛЛОВ олган сурат

ТИЛАКЛАРГА ИНГАН ЎГИТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан 1999 йил 20 январдан 20 февралгача « Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги» ўтказилмоқда.

Ой бориб, омон қайтинг! Оқ йўл! Сафарингиз бехатар бўлсин!

Ҳар кун тонгда остона ҳатлаб кўчага чиқишингизда сизга билдирилгувчи тилаклар бу. Кимдир турли юмушлар билан уйдан чиқаётган ота-онасини, яна кимдир фарзандини ва ёки турмуш ўртоғини кузатиб қолади. Тўғрироғи , кутиб қолади. Энди ой бориб омон қайтишга, йўлингиз оқ, сафарингиз бехатар бўлишига ўзингиз масъулсиз . Уйдан режалаштириб чиққан ишларингиз қаторига яна бир узлуксиз юмуш қўшилди: СИЗ ЭҲТИЁТ БЎЛИШИНГИЗ КЕРАК. Чунки сиз оилангизга, маҳаллангизга, умуман атрофингиздагиларга керак бўласиз.

Эсингиздами, йўлингизга юриб болалар боғчасига, кейинроқ мактабга қатнагансиз. Ўша пайтлардан уйда ота-онангиз, боғчада тарбиячи опалару мактабда ўқитувчилар йўлнинг ўнг четидан юришни, уни қандай кесиб ўтишни бот-бот уқтиришган. Энди улғайдингиз. Ҳаракатланиш қоидаларини билиб олгансиз. Сизга йўлдан юришни-ю, кесиб ўтишни уқтириш шарт эмас. Лекин ўзингиз анъанага содиқ қолдингизми? Уйда болаларингизга, мактабда ўқувчиларга билганингизни ўргатишни унутмаяпсизми? Улар ҳаётида асқотадиган ўгитларни болалигиданоқ бериб боришга улгуряпсизми?

Бу ишда сизга режали тавсиялар ёки маслаҳатлар бериш ниятимиз йўқ. Чунки фарзандлар камолини кўриш учун бу нарса нақадар муҳимлигини ҳар бирингиз яхши биласиз. Биз эса сизга яна бир бор эслатиб қўйишни маъқул кўрдик.

Инсон яралибдики, бир фурсат бўлсин изланишдан, юксалишдан тўхтамайди. Гарчи бугун бутун олам сиру синоатлари ўрганилаётган, нафақат қўл балки, онг вазифасини ҳам адо эта оладиган техникалар яратилаётган бўлса-да, табиий ҳодисалар қаршисида инсон ўз ожизлигига «содиқ» қолмоқда. Табиат инжиқликлари натижасида баъзан инсонлар ҳаёти хавф остида қолмоқда. Лекин кузатишлар шуни кўрсатадики, Она табиатнинг инсониятга сурункали, баъзан узлуксиз келтирган талофатларидан кўра ақлнинг бир дақиқалик оқсаши кўпроқ зиён етказар экан. Ер юзида ўтган йил давомида автоҳалокатлар натижасида ҳалок бўлганлар сони табиий офатлардаги қурбонлар миқдоридан ошиб кетган. Озгина эҳтиётсизлик, ёки оддийгина йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик қанчадан-қанча оилалар тинчини бузаётганлиги кўпчиликка аён. Қисқаси, йўл ҳаракати иштирокчиси сифатида фалокатдан сақланиш бошқаларни ҳам сақлаш демакдир.

Сизга оқ йўл тилаймиз.

Фахриддин КАРИМОВ

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ

Яқинда Наманган шаҳридаги Нодира номидаги 17-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчи ва ўқувчиларининг болалар шоираси Тўхтахон Раҳимова билан учрашуви бўлиб ўтди. Синф раҳбари Гулчеҳра Раҳимова, Каримахон Абдусатторова, Муборак Ҳайдаровалар тарбиялаётган синф ўқувчилари ўзларининг тиришқоқлиги ва билимдонлигини кўрсатдилар. Шоиранинг шеърларидан ёд олиб, ёзган асарларидан парчалар ўқиб беришди. Болалар шоираси Тўхтахон Раҳимова болаларга аталган янги шеърларидан ўқиб бердилар. 2-«а» синф раҳбари Гулчеҳра Раҳимова тарбиялаётган Моҳидил Эргашева, Назира Турғунова, Нигора Иминжонова, Зулфия Бойдадева, Одил Холиқов сингари аълочи ўқувчилар ўз санъатларини намойиш қилдилар. Учрашув охирида мактаб директори Тоҳиржон Сатторов ҳамда илмий бўлим мудири Хадичахон Маҳнуновалар учрашув қатнашчиларига ўзларининг самимий миннатдорчиликларини билдирдилар. Бу учрашув ўқувчилар қалбида ўчмас из қолдирди.

Бундай қизиқарли учрашувлар бу мактабда тез-тез ўтказилмоқда.

Дилфуза МАМАСОБИТОВА,
ўқитувчи

ЁШЛАР ВА АНЪАНАЛАР

(Боши 1-бетда)

уруғларига, маҳалла, элюртга муносабатларида мужассам. Аммо айрим ёшлар фаолиятида бунинг тескарисини, яъни ота-она олдидаги маъсулиятини англамаслик, фақат ота-онадан эҳсон кутиш, турмуш ташвишларини уларга юклаш, фақат уларнинг имкониятларига таяниб тўй-томошалар ўтказишга мойилликни кузатиш мумкин.

— Тўғри, айрим ота-оналар томонидан болаларни балоғат ёшига етишлари билан тўй қилишлари, оила қуришга тайёр ёки тайёр эмаслигини ҳисобга олмаслик ҳолатлари ёшлар руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани аниқ. Ёшларни ҳаётга тайёрлаш, мустақил оила қуриш ва уни тебратишга ўргатиш-чи? Шошма-шошарлик оқибатида ёшларнинг тўй-ҳашамларда дабдабабозликка интилишлари пайтабни тугатиб-тугатмай бозор оралаб пул топиш йўлига ўтиб кетаётган айрим ёшлар ҳам шу тоифадан. Енгил-елпи йўл билан мўмайгина пул топаётган айрим ёшлар дунёни, тўй-томошаларни ҳам пул билан ўлчашга кўникишиб, ҳатто илм-фан, касб-ҳунар эгаллаш йўлидан борганда бундай «имкониятга» эга бўлмас эдим, деган бир томонлама, нотўғри фикрга ҳам бормоқдалар.

Бугунги бозор муносабатлари, унинг ривожи иқтидорли, илм- фанни чуқур эгаллаган, касб-ҳунарга эга ёшларга таянади. Бундай ёшлар мамлакатимизнинг бугуни, эртанги куни ва истиқболларидир. Мамлакатимизда узоқ келажакни ўйлаб, аниқ мақсадларни қўйиб, катта ишлар бошлаб юборилди. Бу мақсадларни амалга ошириш эса асосан илм-фаннинг ривожига, ёшларимизнинг салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. XXI аср бўсағасида турган ёшлар анъаналаримизга мамлакатимиз ривожининг асосида турган, маънавиятнинг қудратли манбаи, муқаддас қадрият сифатида қараб, маъсулият билан ёндошадиган тафаккурга эга бўлиб боришлари зарур.

Бугунги маънавий тикланиш жараёни ёшларимиздан фикрлаш тарзини мустақиллик руҳи белгилайдиган янги авлодга мансуб бўлишни талаб этади. Фақат билимли, маърифатли ёшларгина демократик тараққиётнинг барча афзалликларини қадрлай олади.

Демак, анъаналарга муносабатда ҳам Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, «Миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналарини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш ёш авлодни, ҳозирги ёшларимизни маънавий тарбиялашнинг асоси бўлмоғи керак».

И.ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси фалсафа кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори

АВСТРИЯГА ЙЎЛ ШЕРОБОДДА ТУГАДИ

(Боши 1-бетда)

аталувчи ушбу кўрик танловга ҳаммаси бўлиб 103 та фильм тавсия этилган экан, - дейди тўғарак раҳбари Чори Тошмуродов, - Тузилган махсус ҳакамлар ҳайъати 32 та фильмни кўрик-танловда қатнашишга лойиқ деб топишибди. Улар орасида Германия, Россия, Австрия, Венгрия, Латвия, Эстония ва бошқа мамлакатлар қаторида Ўзбекистон ҳукумати номидан шерободлик болаларнинг фильми ҳам ўрин олганлигини эшитиб роса хурсанд бўлдик. Қисқа вақт ичида фильмимиз устида қаттиқ ишладик...

Шерободлик киноматографчиларга Санкт - Петербургда ҳам омад кулиб боқди. Улар томонидан ишланган фильмдаги «Чиллик», «Кўпкари», «Эшак минди», «Оқ теракми, кўк терак?», «Кўчмак тош» ва бошқа кўплаб ўзбек болаларининг миллий ўйинларини жаҳоннинг турли минтақаларидан келган болалар ва устоз - мураббийлар зўр олқиш билан кутиб олдилар.

Фильм «Белые ночи - 98» кўрик-танловининг лауреати деб топилди ва Австрия мамлакатида ўтадиган «Жаҳон ҳаваскор киноматографчилари» кўрик- танловига тавсия этилди.

— Болаларимиз ҳеч қачон бунчалик хурсанд бўлмаганди. Уларнинг қувончлари кўкка етди, - дейди Чори Тошмуродов биз билан суҳбатда. - Улар кеча-ю кундуз ишлашди. Қаттиқ тайёргарлик кўрдик. Чори Ўтаганов, Сирожиддин Холманов ва яна бир нечта фаол ўқувчиларим, ҳатто ўзимни ҳам дам олдиргани қўйишмади. Фильмни бир биридан гўзал миллий ўйинлару, бетакрор кўринишлар асосида қайта ишладик. Аввалроқ, биз Австрия мамлакатига «Жаҳон ҳаваскор киноматографчилари кўрик танлови»га таклиф қилиндик. Афсус, бора олмадик. Маблағ топа олмадик. Ёрдам кўрсатувчи, мадад берувчи ҳомий чиқмади...

Туманда , вилоятда 700 - 800 долларга яқин маблағ топилмади. Тошкентдан Термизга, Термиздан Шерободга бир неча кун узлуксиз «қўнғироқ»лар бўлиб турди. Аммо шерободлик ёш киноматографчилар Австрия мамлакатига боришлари учун керакли маблағни бирор-бир «қўллари узунроқ» ҳомий, ёки биро- бир нуфузли раҳбар топиб бера олмади...

Алқисса, «Шерободлик болаларининг миллий ўйинлари» жаҳон ариенасининг энг сўнгги нуқтасига чиқа олмади.

«Майли, нима бўлса бўлибди, бу сафар бўлмаса, келгуси сафар жаҳоннинг энг нуфузли минбарларига чиқиб, юртимизни тарғиботу ташвиқот қиласизлар. Умидсизланмангизлар!» - дея тасалли берган бўлдик, ёш киноматографчи болаларга.

— Умидсизланган номард! - дейишди тўгаракнинг 50 нафарга яқин иштирокчилари бараварига – Биз шер юракли болалармиз! Биз шерларнинг маконидамиз! Биз ҳали бир неча бор ўз фильмларимиз билан юртимизни оламга «кўз-кўз» қиламиз!

Биз шерободлик ёш киноматографчилардаги дадилликларни кўриб қойил қолдик.

Бироқ, шерларга ҳам ҳомий керак. Буни Шеробод тумани ҳокимлиги, қолаверса, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги бир ўйлаб кўрса, нур устига аъло нур бўларди.

Абдували ОБИДДИН,
«Маърифат»нинг
махсус мухбири

ЛОЙИҲА

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСА(МАКТАБ)ЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАР БИЛИМ ДАРАЖАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ РЕЙТИНГ ТИЗИМИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўқувчиларнинг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими (кейинги ўринларда Рейтинг тизими деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203- сонли «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»-ги қарорининг амалдаги ижроси сифатида жорий этилади.

2. Рейтинг тизими Умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари(УЎТ ДТС)нинг таркибий қисми ҳисобланиб, барча умумий ўрта таълим муассаса(мактаб)ларида қўлланилиши шарт.

3. Рейтинг тизимини жорий этишдан мақсад — умумий ўрта таълим муассаса (мактаб)ларининг 5-9-синфлари ўқувчилари билим сифатини холис баҳолаш, даражаларини назорат қилиш.

4. Рейтинг тизимини жорий этишдан кўзланган асосий вазифалар:

— ўқувчилар томонидан УЎТ ДТС талабларининг бажарилиши учун зарур бўлган шарт-шароитни яратиш;

— ўқувчилар билим даражалари сифатини баҳолашда холислик ва аниқликка эришиш;

— таълим жараёнини назорат қилишнинг холис тизимини йўлга қўйиш, Республиканинг турли ҳудудлари мактабларидаги таълим натижаларини таҳлил этиш ҳамда таққослашни таъмин этиш;

— ўқувчиларда таълим олишга бўлган ижобий интилиш ва эҳтиёжини шакллантириш, ўзаро беллашув элементларини жорий этиш ҳамда ўқувчиларда мунтазам мустақил ўқишга қизиқиш уйғотиш;

— ўқитувчи меҳнати натижаларини холис баҳолаш, унинг янги, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини излашдаги ижодий фаоллигини ошириш;

— ўқувчиларнинг, ўқитувчи меҳнати ва таълим муассасасининг таълимдаги ютуқлари очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

— ўқувчиларни касбга йўналтиришга, уларнинг келгусида академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларини танлашларига кўмаклашиш;

— ўқувчи шахсининг шахсий-психологик ўзига хосликларини аниқлашга кўмаклашиш.

5. Рейтинг тизими ўқувчиларнинг таълим олиш фаолиятини узлуксиз назорат қилишни, баҳоларнинг кўп балли кўрсаткичини қўллаш билан унинг натижаларини турли даражаларга табақалашни, ўқув ишининг барча турлари бўйича бу балларни жамлашни, ўқувчиларнинг ўқишдаги ютуқлари бўйича ўринларини тартибга солишни, эришган муваффақиятлари учун шахсни рағбатлантиришни ўз ичига олади.

6. Рейтинг тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тамойиллари:

— тизимлилик, холислик, қулайлик (қўлланилишининг соддалиги), қатъийлик ва тезкорлик; ўқувчилар ёши, психо-физиологик ўзига хосликларини ҳисобга олиш; ривожлантириш; шахс ва фаолият бирлиги; мустақиллик ва фаолликни шакллантириш, таълим, тарбия, ривожланиш бирлиги; очиқлик ва ошкоралик; «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мос ҳолда умумий ўрта таълим ривожининг бугуни ва истиқболини ҳисобга олиш.

Рейтинг тизимини ишлаб чиқишдаги асосий талаблар қуйидагилар: ўқувчилар билим даражалари сифатига қўйилган баҳоларнинг холислиги, қулайлиги (қўлланилишининг соддалиги), ўқувчининг таълим олиш фаолиятини, ўқитувчи меҳнатини рағбатлантириш.

Рейтинг тизимини жорий этиш билан пировард натижада:

— УЎТ ДТС талабларига биноан ҳар бир ўқув фани бўйича ўқув материалининг ўзлаштирилиши ва билим сифатига УЎТ ДТСга асосан ўлчов жамламалари билан ўқувчига баҳо қўйишда бир хил муносабат юзага келади;

— ўқув йили давомида нафақат ички, балки зарурий ташқи назоратни йўлга қўйишга;

— ҳар бир таълим фани бўйича зарур ва етарли миқдордаги мажбурий назорат ишларини йўлга қўйишга;

— ўқувчиларнинг чораклик ва йиллик якуний рейтинг баҳоларини чиқариш учун барча ўқув фанлари бўйича баҳоларнинг ўртача қийматини аниқлашга;

— билимни назорат қилишнинг холис тадбирлари (жумладан, тест-синовлари)ни кенг қўллашга;

— турли мактаблар ўқувчилари натижаларини таққослашни таъминлашга;

— ўқувчи таълим олиш фаолияти натижаларининг очиқ-ошкоралиги, қулайлиги ва намойишкорлигига эришилади.

II. НАЗОРАТНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

7. Рейтинг тизимида ҳар бир таълим фани бўйича сифат мунтазам баҳоланиб борилади ва у назоратнинг қуйидаги турлари орқали амалга оширилади:

жорий назорат – ЖН;

оралиқ назорат – ОН;

якуний назорат – ЯН.

8. Чоракдаги назорат ишлари миқдори таълим фани хусусияти, мажбурий билимлар ҳажми, таълим соҳаси (ўқув фанлари)да давлат стандарти томонидан белгилаб берилган билим ва малакалар, ўқув режаси асосидаги ҳафталик соатлар сонига қараб белгиланади. Энг зарурий ва етарли миқдор ҳамда таркиб – 5-9-синфлар учун ҳар бир ўқув фани бўйича мажбурий оралиқ ва якуний назорат ишлари усули (оғзаки сўров, назорат иши, семинар, реферат, лаборатория иши, баён, диктант, тестлар, масалалар ечиш ва бошқалар) олдиндан аниқланади ва РТМ қошидаги илмий-методик кенгаш қарори билан тасдиқланади. Фан ўқитувчиси зарурий ва етарли мажбурий назорат ишларини РТМ томонидан белгиланган меъёрдан кўп ўтказиш ҳуқуқига эга, бу назорат ишлари сони фанлар бўйича мактаб методик бирлашмаси томонидан белгиланади ва педагогик кенгаш томонидан тасдиқланади.

9. Жорий назорат – бу ўқитувчи томонидан ўқувчилар билимини бевосита дарс пайтида мунтазам текшириш, шунингдек, ёзма уй вазифаларини текширишдан иборат. Жорий назорат шаклини, мажбурий рўйхатга қўшимча равишда, ўқитувчининг ўзи танлайди. ЖНнинг нисбатан кўп тарқалган шакллари қуйидагилар: ўқув материали маълум қисмининг ўзлаштирилганлигини оғзаки назорат қилиш; ихчам ёзма вазифа ёки камроқ миқдордаги тест топшириқларидан иборат педагогик тестдан фойдаланиш.

Жорий назорат, ўқувчилар билимини баҳолашдан ташқари, ўқитувчини ҳар бир ўқувчининг ўқув ишлари ҳақидаги ахборот билан таъминлайдики, бу таълим жараёни йўналишини самарали бошқариш, ўқув материалининг ўзлаштирилиши даражасига қараб унга зарур тузатишлар киритиш ва айрим ўқувчиларнинг ортда қолаётганига ўз вақтида эътиборни қаратиш имконини беради.

10. Оралиқ назоратнинг мақсади ўқувчиларнинг ўқув фанининг маълум бир бўлимини ўзлаштиришини текширишдан иборат. ОН ўқитувчи томонидан дарс жадвали доирасида бир дарс мобайнида, оғзаки, ёзма шаклда ёки ўқув материали хусусиятига боғлиқ тест олиш орқали ўтказилади.

Бир кунда бир синфда оралиқ назорат фақат иккита ўқув фани бўйича ўтказилиши мумкин. Оралиқ назоратнинг ўтказилиши ҳақида ўқувчилар энг камида бир ҳафта олдин огоҳлантирилади.

11. Ўқув йили мобайнида халқ таълими бошқаруви органлари УЎТ ДТС талаблари асосида ўқитувчилар, методистларни жалб этган ҳолда оралиқ назорат доирасида барча фанлар (ёки танлаган ҳолда 3-4 ўқув фани бўйича) ташқи назоратни ташкил қилади.

12. Педагогик кенгаш қарорига кўра ўқувчилар учун оралиқ назоратнинг турли-туман шакли, масалан, алоҳида берилган, унинг бажарилиши ижодий характерга эга бўлган топшириқларни баҳолаш киритилиши мумкин. Бундай топшириқ ўқувчининг хоҳиши ва танлашига қараб берилади ва унинг бажарилиши оралиқ назоратнинг қўшимча баллари билан баҳоланади.

Алоҳида топшириқлар билан бир қаторда ўқувчиларнинг туман, шаҳар ва республика олимпиадалари, танловлар, викториналарда иштирок этиши, эълон қилинган мақолалари ва бошқаларни ҳам ижодий иш сифатида ҳисоблаш керак бўлади. Бу ишлар рейтинг дафтарчасида мақтов ёзувлар кўринишида қайд этилади.

13. Якуний назорат чораклик, йиллик ва битирувчиларнинг давлат аттестацияси кабиларга бўлинади. У оғзаки, ёзма, тест назорати шаклида ўтказилади.

14. Оғзаки назорат ўтказиб бўлингач, унинг натижалари ўқувчиларга бевосита дарсда эълон қилинади. Ёзма ишлар ва тест-синовлари баҳоси ўқитувчилар томонидан беш кун ичида маълум қилинади, ундан сўнг эса хатолар устида ҳамкорликда ишланади.

15. Ўтказилган ёзма ва тест шаклидаги оралиқ назорат материаллари мактабнинг ўқув бўлимида ўқув йили давомида, якуний назоратники эса уч йил мобайнида сақланади.

III. ЎҚУВЧИЛАР БАҲОСИНИ АНИҚЛАШ ТАРТИБИ

16. Баҳолаш тизимига қуйидагилар киради:

— ўқитувчиларнинг чорак давомида ўз ўқув фанлари бўйича назорат тадбирларининг олдиндан ўрнатилган миқдори ва таркиби орқали қўядиган бошланғич баҳолари;

— ўқув фанлари бўйича барча бошланғич баҳоларни умумлаштирадиган чораклик баҳолари;

— ўқувчининг барча ўқув фанларидан олган баҳоларини умумлаштирадиган чоракдаги рейтинги;

— ўқув фани бўйича йиллик рейтинг;

— ўқувчининг барча фанлар бўйича ўқув йилидаги рейтинги;

— 9-синф учун қўшимча равишда: битирувчининг давлат аттестацияси натижалари бўйича рейтинги.

Барча ўқув фанлари бўйича баҳолаш мезонлари УЎТ ДТС талаблари асосида белгиланади.

17. ЖН ва ОНнинг чорак давомидаги усуллари, шакл ва миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

— мазкур фан бўйича таълим стандартлари томонидан ўрнатилган мажбурий билим, кўникма ва малакалар миқдори;

— ўқув режасидаги фанга ажратилган соатлар миқдори;

— ўқувчиларнинг психо-физиологик имкониятлари;

— ҳар бир фан учун назоратнинг ўзига хос шакллари;

— ўқув дастурининг ўрганилаётган бўлимлари миқдори.

18. Ҳар бир бўлим ва мавзуларни ўрганишда ўқитувчи томонидан танланган усуллар ва улар учун белгиланган максимал баллар ўқув фанининг Тақвимий–мавзуий режасида акс эттирилади (1-андозага қаранг).

Максимал баллни аниқлашда ўқув режасининг ҳафталик юкламасидан келиб чиқиш лозим. Ўқув режасига мувофиқ бўлимлар ва мавзулар бўйича балларни тақсимлаш РТМ томонидан ишлаб чиқилади ва РТМ қошидаги Илмий-методик кенгаш тавсияси асосида Халқ таълими вазирлиги ҳайъатида тасдиқланади.

Назорат шакллари ва улар учун белгиланган максимал баллар тўғрисидаги маълумотлар рейтинг назорат Паспортига киритилади (2-андозага қаранг). Ҳар бир фаннинг рейтинг назорат Паспорти синф журналига, ўқувчининг рейтинг дафтарчасига киритилади, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари эътибори учун рейтинг ойнасига осиб қўйилади.

Ўқув фанининг максимал балли ЖН, ОН, ЯН балларини жамлаш орқали аниқланади (1-формула): $P_{мах} = P_{жн} + P_{он} + P_{ян}$, (1)

бунда $P_{жн}$ – жорий назорат рейтинги;

$P_{он}$ – оралиқ назорат рейтинги;

$P_{ян}$ – якуний назорат рейтинги.

Ўқувчининг ўқув фанлари бўйича бир ёки бир нечта чораклар давомидаги рейтинги фактик ва якуний рейтинг ($P_я$) асосида аниқланади.

19. Ўқувчининг ўқув фани бўйича чорак мобайнидаги фактик (миқдорий) рейтинги ($P_ф$) жорий, оралиқ ва якуний назоратнинг барча босқичлардаги баллари жамига тенг.

Ўқувчиларнинг алоҳида ўқув фанлари ва умуман чорак давомидаги ўзлаштиришлари натижалари якуний рейтинг ($P_я$) нинг ягона кўрсаткичларида акс этади.

Ўқувчининг якуний рейтинги – фактик рейтингининг ўқув фани максимал рейтинги нисбатига тенг (2-формула):

$$P_я = \frac{P_ф \quad 100}{P_{мах}},$$

бунда, $P_{мах}$ — ўқув фанининг максимал рейтинги (3-андозага қаранг). Ўқув фанининг максимал рейтинги $P_{мах}$ = 100 баллга тенг бўлган ҳолатда якуний рейтинг $P_я = P_ф$ бўлади.

20. Якуний рейтинг натижаларига кўра билимни баҳолашнинг учта даражаси белгиланади:

1-жадвал

Билимни баҳолаш даражалари

Билимни баҳолаш даражаси	Якуний рейтинг
III—юқори	86 — 100
II—ўрта	71 — 85,9
I—паст	55 — 70,9

I даража — репродуктив даражада қўлланиладиган таълим стандарти билимларини ўзлаштириш баҳосини ўз ичига олади;

II даража — реконструктив даражада қўлланиладиган таълим стандарти билимларини ўзлаштириш баҳосини ўз ичига олади;

III даража — таълим стандартлари билимларининг ижодий қўлланилишини қўшимча маълумотларни жалб қилган ҳолда аниқлайди.

1-жадвалга мувофиқ ўзлаштириш кўрсаткичлари бир тартибга келтирилади, билимларни баҳолаш даражаси ва ҳар бир ўқувчининг ушбу даражадаги ўрни аниқланади.

21. Ўқувчиларнинг чорак, йил натижаси бўйича таълим кўрсаткичлари 4-андозага киритилади. Ўқувчининг чорак давомидаги рейтинги барча таълим фанлари бўйича баҳоларнинг ўртача қийматини кўрсатади.

22. Ўқув фани бўйича йиллик рейтинг таълим фанлари бўйича чорак рейтингларининг ўртача қиймати кўрсаткичлари билан аниқланади.

23. Аттестат (умумий ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжат) рейтинги УЎТ ДТС талабларининг бажарилиши табақаси ва даражаси билан аниқланади. Аттестатга белгиланган тартибдаги баҳолар мажмуаси кўрсатилган рўйхат илова қилинади.

24. Ўқувчиларнинг чорак давомидаги ўзлаштиришлари натижаларининг бир тартибга келтирилган кўрсаткичлари 5-андозада акс эттирилади.

25. Ўқувчи ЖН ва ОНларнинг барча босқичларида энг кам миқдордан оз бўлмаган фактик рейтинг тўплагандагина якуний назоратдан ўтишга қўйилади.

26. ЖН ва ОНдан баъзи сабабларга кўра ўта олмаган ўқувчилар ёки ўз рейтингини кўтариш истагини билдирувчилар назорат ўтказилгандан кейин 1-2 ҳафта давомида уни қайта топшириш учун рухсат олишлари мумкин. ЯНни қайта топшириш мактаб педагогик кенгаши қарори билан ўтказилади. ЖН ёки ОНдан қайта ўтган ўқувчининг рейтинги тўлдирувчи балл сифатида журналда қайд этилади.

27. Таълим муассасаларида ташкилий-тарбиявий кўрсаткичларни кўтариш мақсадида ташкилий назорат ўтказилиши мумкин. Бу назорат ўқувчининг дарсга қатнашиши ва хулқи-ахлоқини ҳисобга олади ҳамда уларнинг жамоатчилик ишлари ва бошқа дарсдан ташқари фаолиятига баҳо беради. Фаолиятнинг бундай турларига: жамоатчилик тадбирларида (кўрик-танловлар, спорт мусобақалари ва ҳоказо); ўқув тўгаракларида; ўқув хонаси, мактабни эстетик жиҳатдан безаш; ўқитувчи-мураббийларга ёрдам кўрсатиш ва бошқа тадбирларда қатнашиши киради.

Ташкилий назорат кўрсаткичлари ҳар бир мактабда алоҳида ўқув жараён хусусиятига мувофиқ ишлаб чиқилади.

Ҳар бир ишнинг турига қўйиладиган баллар миқдори мактаб педагогик кенгаши қарори билан эркин белгиланади.

Ўқувчи хулқи ва тиришқоқлиги қуйидаги уч вариантнинг бири билан баҳоланади: намунали, қониқарли, қониқарсиз. Бу баҳо ўқувчининг табелига ёзилади.

Билимларни баҳолашнинг рейтинг тизими ва ташкилий назорат кўрсаткичлари жамланмайди.

28. Ўзлаштириш кўрсаткичлари, спорт ва жамоат тадбирларида иштироки бўйича юқори рейтинг тўплаган ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан ҳомийлар, оталиққа олган ташкилотлар ажратган маблағ ҳисобига рағбатлантирилади.

29. Таълим муассасаларининг ўқувчилар билими, лаёқати ва кўникмаларни баҳолашнинг рейтинг тизимига ўтилиши муносабати билан ҳисобот-режалаштириш ҳужжатлари тузилишига (синф журнали, ўқувчининг кундалик дафтари, ўзлаштириш табели, синов дафтарчаси) ўзгаришлар киритиш талаб қилинади.

IV. ЎҚУВЧИЛАРНИ СИНФДАН СИНФГА КЎЧИРИШ ТАРТИБИ

30. Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ўқувчининг йиллик фактик рейтинги асосида амалга оширилади.

V. РЕЙТИНГ ТИЗИМИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ

31. Барча ўқувчиларнинг рейтинг тизимида ўқишлари натижалари ҳар бир чорак ниҳоясида максималдан минимал рейтингларгача бир тартибга келтирилган рўйхатлар шаклида тайёрланади.

Бундай рўйхатлар ҳар бир синф бўйича тайёрланиб, синфга ва умуммактаб рейтинг ойнасига қўйилади.

Синф раҳбарлари синф соатлари ва ота-оналар йиғилишларида чорак натижаларини таҳлил қиладилар ва ўқувчилар ўзлаштиришини кўтаришга доир тавсиялар берадилар.

32. Чорак (йил) натижаларига қараб мактаб директори 10 кун давомида ўқишда юқори ютуқларга эришган ва хулқи намунали баҳоланган ўқувчиларни рағбатлантириш ҳақида буйруқ чиқаради.

Ўқувчиларни ўқишдаги ютуқлари учун рағбатлантириш тўғрисидаги буйруқлар мактабнинг Рейтинг ойнасига қўйилади.

Чорак (йил) рейтинги 80 дан 90 гача бўлган барча ўқувчиларга ташаккурнома эълон қилинади.

Чорак (йил) рейтинги 90 дан юқори бўлган ўқувчилар «Фахрий ёрлиқ» билан мукофотланадилар.

Йиллик рейтинги 95 дан юқори бўлган ўқувчилар маҳаллий бошқарув органлари ва ҳомийлар томонидан рағбатлантиришга тавсия этилади, уларнинг суратлари мактаб стендига қўйилади.

33. Ҳар бир ўқувчига ўзининг шахсий ўзлаштиришини кузатиб бориши ва уни кўтариш учун мустақил ишларини режалаштиришга имконият яратиш мақсадида ўқув жараёнидаги барча баҳолар ҳақидаги маълумотлар ўқувчиларга эълон қилиниб борилади.

МАКТАБ ДИРЕКТОРИГА ЭСЛАТМА

Рейтинг усулининг намунали тартибда жорий этилиши кўпроқ мактаб директорига боғлиқ. Рейтинг усулини жорий қилишнинг мақсадини тушуниб етган директор учун баҳоларни рейтинг балларига айлантиришнинг ҳеч бир қийин жойи йўқ.

Мактабда, албатта, махсус стенд тайёрлаш керак, чунки унда рейтинг усули тадбирларининг ўзига хос томонлари ҳақидаги маълумотлар, ўқувчилар билим сифатига берилган баҳолар натижаси, аълочи ва ўзлаштирмовчи ўқувчилар рўйхати, мактаб бўйича аълочи ўқувчилар суратлари жойлаштирилади.

Рейтинг усулининг муҳим ҳолатларидан бири рейтинг ўлчами бўйича тартиблаштирилган ҳолатда ўқувчилар рўйхати ҳар бир синфда ўзлаштириш тахтасига илинган бўлиши керак, чорак тугагандан кейин мазкур маълумотлар якунлаштирилади.

Навбатдаги чорак бошида директор ўтган чорак натижаларига кўра мактаб бўйича рағбатлантириш тўғрисида буйруқ эълон қилади, бу буйруқ мактаб ўзлаштириш стендига илиб қўйилади. Худди шу стендда ҳамма синфдаги аълочи ўқувчилар (юқори рейтинг натижаларига эришган), параллел синфлар ва мактабдаги аълочи ўқувчилар суратлари илиб қўйилади.

Анъанавий рағбатлантиришдан ташқари аълочи ўқувчиларни (буйруқ асосида ташаккурнома, фахрий ёрлиқ билан тақдирлаш) рағбатлантиришнинг бошқа шаклларини тайёрлаш ва ташкил қилиш мумкин. Масалан, ўқувчиларни маҳаллий ҳокимиятлар, жамоатчилик ташкилотлари ва ҳомийлар мукофотлари билан рағбатлантириш ва ҳоказо.

Мактаб директори ўқитувчиларнинг рейтинг усулидан тўғри ва самарали фойдаланишларини ташкил этади. Педагогик кенгаш ва фанлар метод бирлашмаларида системали тарзда рейтинг усулини қўллаш билан боғлиқ муаммолар, синф журналларида рейтинг-назорат натижалари ҳисобини тўғри юритиш, илғор педагоглар тажрибасини оммалаштириш, ўқувчилар билиш фаолиятини рейтинг усули ёрдамида фаоллаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Агар мактабда «Ўқувчилар рейтинги» дастури билан таъминланган компьютерда рейтинг-назорати ўтказилса, у мактабда рейтинг усулидан фойдаланишни кўпроқ енгиллаштиради ва яхшилайди.

Бу компьютер дастури ўқитувчиларни майда-чуйда ҳисоблашлардан озод этади ва автоматик режимда ўқувчиларнинг табақаланган рўйхатини мактаб бўйича ва алоҳида синфлар бўйича ёзади, аълочи ўқувчиларни мукофотлаш тўғрисида буйруқ лойиҳаларини тартибга солади, ҳар қандай ўқувчининг ўқув натижалари ҳақида маълумот беради ва ҳоказо.

Рейтинг усулидан фойдаланишга ноанъанавий, ижодий ёндашув мактаб директорига ўқувчиларнинг ўқув жараёнида муваффақиятга эришишига ва ўзлаштиришларини кўтаришга ёрдам беради.

ЎҚУВЧИЛАРГА ЭСЛАТМА

Ҳурматли ўқувчилар!

Мактабингиз Сизларга ўқувчиларнинг билимини баҳолашнинг янги тартиби жорий этилаётганлигини маълум қилади. Энди ўқитувчиларингиз барча фанлар бўйича баҳоларни 0 дан 100 гача бўлган рейтинг балларида қўйишади.

Ҳар бир таълим фанлари бўйича ўқув материалларига қўйиладиган талаблар сизга ўқув йили ёки чорак бошида маълум қилинади. Сизга: чорак ёки йил давомида ўқув фани бўйича қанча ва қандай назорат ишлари албатта ўтказилиши кераклиги; уларга қанча балл қўйилиши; фанлар бўйича ҳамда таълим жараёнида қандай ижодий ва алоҳида топшириқлар мўлжалланганлиги маълум қилинади. Ота-оналарингиз билан биргаликда улар билан синчиклаб танишинг. Чорак ниҳоясида ҳар бир ўқитувчи рейтинг балларини ҳисоблайди, синф раҳбари эса ҳар бир ўқувчи учун чоракдаги ёки йил давомидаги умумий битта баҳони аниқлайди.

Сиз оилангиз ва Ватаннингиз — Ўзбекистон Республикаси учун жиддий ўқишингиз, ўз малакатингизга содиқ фуқаро бўлиб етишишингиз, малакали кадр бўлиб, бахтли яшашингиз муҳимдир. Сиз ҳозир шу йўлдасиз. Ўқитувчилар ва ота-оналар Сизга рейтинг тизимининг маъносини тушунишга ёрдам беришади, Сизнинг ютуқларингиз, албатта, ижобий баҳоланади. Агарда чорак (йил)даги ўзлаштириш рейтингингиз юқори бўлса, Сизни муносиб рағбатлантиришнинг турли хил шакллари ишланган.

Лекин гап — мукофотларда эмас. Яхши ўқиш, авваламбор, ўзингиз учун, ҳаётда муваффақиятларга эришишингиз, энг муҳими, жамиятда ўз ўрнингизни топа олишингиз учун шартдир!

Ўқув фани бўйича Тақвимий-мавзуий режа — 1-андоза

№ т/р	бўлимлар, мавзулар	соатлар сони	назорат шакли	шартли белгилар	Юқори балл

Ўқув фани бўйича назорат паспорти — 2-андоза

№ т/р	Назорат шакли	шартли белгилар	I чорак		II чорак		III чорак		IV чорак	
			Назорат сони	Юқори балл	Назорат сони	Юқори балл	Назорат сони	Юқори балл	Назорат сони	Юқори балл

Ўқув фани бўйича фактик рейтинг натижалари ҳақида маълумот — 3-андоза

№ т/р	Ўқувчининг фамилияси, исми	Назорат шакллари, юқори баллар										Рф	Ря	Даражаси	Ўрни

Рейтинг назорати натижалари ҳақида якуний маълумот — 4-андоза

№ т/р	Ўқувчининг фамилияси, исми	ўқув фанлари								Ря	Даражаси	Ўрни
		1	2	3	4	5	6	7	8			

Ўқувчилар ўзлаштириши ҳақида йиллик маълумот — 5-андоза

№ т/р	Ўқувчининг фамилияси, исми	Чораклар				Йил бўйича	Даражаси	Ўрни
		I	II	III	IV			
1								
2								
3								
4								
...								

Маҳмудхўжа Беҳбудий



Абдулла Авлоний



Абдурауф Фитрат

Ma'naviyat sarchashmalari

МОЗИЙНИНГ ЖОНЛАНГАН МАНЗИЛЛАРИ

Инсон хотираси — муқаддас. Нақадар залворли тушунча бу. Хотирасиз инсон-чи? Худонинг ўзи манқуртликдан сақласин. Кишилик жамиятининг истаган даврини олиб кўрмайлик, ажойиб бир ҳолатга дуч келаверамиз. Қайсики замонда авлодлар ўз аждодларини улуғлаган, тўғриғоғи, хотирлаган бўлса, уларнинг ишлари тараққий топаверган. Аксинча, аждодлари устидан бўхтон ёғдирганлар, тарихий хотирани унутиб, миллат болалари онгидан супуриб ташлаган авлодлар ҳар қадамда тойилиб, зулматга, залолатга ботаверганлар.

«Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Ана шу оддий, айни пайтда пуҳикмат маънолар жавҳарини тўғри англаган «Маънавият» нашриёти ходимлари савобли ишга қўл урдилар. Нашриёт асримиз ибтидосида Ватан ва миллат ҳурлиги йўлида жонини қурбон қилган миллий уйғониш даврининг энг атоқли намоёндаларидан бир гуруҳини суратлари ва ҳаёту фаолиятларининг мухтасар баёнидан иборат рангли плакатлар мажмуини босиб чиқарди. «Жадид адабиёти намоёндалари» туркуми остида ҳар бири алоҳида-алоҳида тайёрланган ушбу плакатларда Туркистон жадидчилик ҳаракати карвонбошиси Маҳмудхўжа Беҳбудий (1875-1919), унинг маслакдош ва замондошлари — Абдулла Авлоний (1878 – 1934), Абдурауф Фитрат (1886 – 1938), Мунавваркори Абдурашидхонов (1878 – 1931), Абдулла Қодирий (1894 – 1938) ва Абдулҳамид Чўлпон (1897 – 1938) суратлари , ҳикматли сўзлари ва умр йўллари акс эттирилган. Унинг муаллифлари: С.Аҳмедов ва М.Исоқовлардир. Муҳаррир: С.Содиқов. Ушбу мажмуа 7000 нусхада «РАСТР» (Ўзбекистон – Буюк Британия) қўшма корхонасида чоп этилди. Мазкур плакатлар нозик дид билан безалиб, юқори сифатли қоғозда чиқарилган. Бизнингча, у ҳар бир мактаб ва ҳар бир синфга кириб бориши керак. Токи авлодлар аждодлари билан ғурурланиб, ўзлари ҳам улардек бўлишга ғайрат этсинлар.

«Мозий ҳақиқатнинг тарозисидур», деган эдилар жадидчилик ҳаракати йўлбошчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳазратлари. Бугунги ёш авлод мозий ҳақиқатлари билан янада яқиндан танишар, улар сиймосига ҳайрат-ла боқаркан, тасаввурида буюк келажак режаларини тузаётган бўлса ажаб эмас.

Норали ОЧИЛОВ

Ушбу плакатларни харид қилишни истаганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилсинлар:
Тошкент шаҳри,
Шодлик кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 68 - 24 - 15
67 - 22 - 14
68 - 22 - 44

Мунавваркори Абдурашидхонов



Абдулла Қодирий



Абдулҳамид Чўлпон

Quvnoq startlar

OMADAN «OMAD»

Марказий ҳарбий спорт клубида XVI республика «Қувноқ стартлар» телевизион мусобақасида майдонга тушган Навоий вилояти Навоий туманидаги Ҳамза номидаги 2 - ўрта мактабнинг «Чавандоз» ва Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Ойбек номидаги 22 - ўрта мактабнинг «Омад» командалари финал беллашувларининг сўнгги саралаш учрашуви қатнашчилари бўлишди.

Мусобақада одатдагидек ҳар икки команда аъзолари ўзларининг маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Дастурнинг «Чаққонликда беллашайлик» деб номланган биринчи мусобақасида 8 ўғил ва 8 қиз бир жуфтдан ҳаракат қилиб, қўлларидаги тўпни 5 та чамбарақдан бир-бирларига чаққонлик билан ошириб, тезкорликда беллашишди. Бу баҳсда «Омад» командасининг аъзолари ғолиб чиқиб, 10 балл олишди.

Халқ миллий ўйинларидан «Қирқ тош» мусобақасида ҳам ғузорлик ўқувчилар эпчиллигини намойиш қилишди.

«Ўрин алмашиш» деб аталган учинчи мусобақада ҳар командадан 5 ўғил ва 5 қиз қопда ҳаккачоғлаб югуришда ўз маҳоратларини кўрсатишга ҳаракат қилишди. Бу сафар ҳам «Омад» командаси 10 балл соҳиби бўлди. «Дўстлар баҳси» деб аталган тўртинчи мусобақада «Омад» командасининг қўли баланд келганига қарамай, жиддий хатоларга йўл қўйилгани ҳисобга олиниб, ҳар икки командага 5 баллдан берилди ва умумий ҳисоб 35:5 бўлди.

Беллашувнинг «Катта эстафета», «Мулжалга тушир», «Баскетболчи қизлар» мусобақаларида ҳам «Омад» командаси аъзоларининг қўли баланд келиб, яна 30 балл олишди. «Дарвозани нишонга ол» баҳсида «Чавандоз» командаси ниҳоят, 10 балл олишга эришди. «Сардорлар баҳси»да ҳам омади келган навоийлик ўқувчилар 5 балл олишди.

Чинакам спорт маҳорати кўригига айланган учрашувда 65 : 20 ҳисобида ғалабага эришган «Омад» командаси кейинги босқич учрашувларида қатнашиш ҳуқуқини олди.

Мусобақа қатнашчиларига Халқ таълими вазирлиги, Давлат Спорт қўмитасининг диплом ва эсдалик совғалари, ҳомий ташкилотларнинг совғалари топширилди.

Вилоят чемпионлари сифатида мусобақага қатнашган Навоий туманидаги 2 - мактаб директори Бахтиёр Барноев ҳамда Ғузор туманидаги 22 - мактаб директори Йўлдош Жонимқуловдан мактабда спортни ривожлантириш, оммавийлаштириш борасидаги фикрларини сўрадик.

Б.Барноев: *«Қувноқ стартлар» мусобақаларида ўқувчиларимиз 1985 йилдан буён қатнашиб келишмоқда. Бу даврда бир-неча бор туман мусобақалари ғолиби бўлдик. 1997 йилда вилоятда иккинчи ўринни олдик. 1998 йилда вилоят чемпиони бўлдик. Ўқувчиларимиз халқаро мусобақаларда ҳам қатнашишган. 1992 йилда Волгоград шаҳрида ўтказилган мусобақада ўқувчиларимиз биринчи ўринни эгаллашган.*

Туман, вилоят ва республика мусобақаларида қатнашишимиз учун ҳар томонлама маблағ ажратиб келаётган ҳомийларимиз — «Нарпай» жамоа хўжалиги (бошқарув раиси Носир Бобоёров), Навоий шаҳридаги «Жевачи» фирмаси (бошлиғи Исомиддин Йўлдошев) ҳимматидан мамнунмиз.

Соғлом авлод камолоти омили бўлган спорт бундан кейин ҳам эътиборимиздан четда қолмайди.

Й.Жонимқулов: *Мактабда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлиги зарур шарт-шароитлар яратилиши ва мавжуд имкониятлардан фойдаланишга боғлиқ. Бу борада жисмоний тарбия ўқитувчиларимиз Собир Ҳайитов, Худоёр Нормуродов, Облоқул Чориевларнинг хизматлари катта. Мактабда волейбол, футбол, баскетбол, кураш тўгараклари ишлаб турибди.*

«Қувноқ стартлар» мусобақалари мактаб ўқувчиларимиз ўртасида спортни кенг оммалаштириш омилига айланган. Энг сара ўқувчилардан танлаб олинган «Омад» командаси биринчи, иккинчи ва учинчи босқич мусобақаларида яхши қатнашди. Туманда Беруний ва Абдулла Қаҳҳор номли мактаб командаларини ютиб, вилоят мусобақаси финалида Деҳқонобод тумани ғолибини мағдуб этган командамиз вилоят чемпиони бўлди. Республика беллашувига пухта ҳозирлигимиз туфайли саралаш мусобақасида ҳам ютуққа эришдик. Эндиги ниятимиз совринли ўринни эгаллаш.

Майдонга тушаётган командаларнинг ҳар бири ҳам ғалаба иштиёқида бўлишади. Иккинчи давра учрашувлари янада қизғин мароқли бўлиши шубҳасиз.

F. МАННОПОВ

Xullas...

КИМ ЖОЗИБАДОР?

Кўзи ёриш арафасида турган аёллардан бир гуруҳи Янги Зеландия кўчаларида пайдо бўлишди. Улар нимагадир шай туришарди...

Бу ердаги энг оммавий радиостанция маъмурияти уюштирган танлов ҳомиладор аёллар учун бўлиб, мақсад улардаги жозибадорликни кашф қилишдан иборат эди.

Ёзнинг жазирама куни бўлишига қарамай, танловга келган аёллар Веллингтон марказий кўчаси бўйлаб ўз бўй-бастларини намойиш қилдилар. Танлов ҳайъати энг жозибали 27 ёшдаги Яжар Хэнхамни ғолиба деб эълон қилди.

Радиостанциянинг танлов якунига бағишланган маросимида Яжарга Янги Зеландиянинг 1000 доллар маблағи берилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай соврин эгаси ўғил кўрди.

БЎРИ ИТДЕК ЭМАС...

Ким дўст ва ким душман? Итми, бўрими? Улар бир-бирига ташқи кўриниши ўхшаш, аммо одамга муносабатлари бошқа-бошқа. Бўри - йиртқич, у одамга ташланади, ит эса уни ҳимоя қилади.

Таниқли табиатшунос Бомар бўри боласини уйига келтириб, уни парвариш қила бошлади. Мақсади, йиртқич билан дўстлашиш эди. «Меҳмон» унга тез ўрганиб, ул-бул олиб келиб беришга яраб қолди.

Бир куни Бомар сапчиб уйғонди, бўри боласи унинг тўпиғини ғажишга киришган экан. Яхшиямки, сезги органлари «иш» берди, йўқса бўри боласига ем бўлиши тайин эди.

«Бўри дўстлик қилмайди», деган фикр азалдан бор бўлсада, айримларга буни яна бир карра эслатиб қўйиш керак. Итнинг йўриғи эса бошқа...

ГУЛҚОҒОЗДА ЧУМОЛИЛАР

Кутилмаганда Жазоирдаги кўп қаватли уйларга чумолилар ёпирилишди. Хонадонларнинг гулқоғозлари кўчиб туша бошлади. Меъморлар, уйсозлар, ҳаттоки дин арбоблари ҳам бунга ҳайрон.

Бунинг сабабини биологлар аниқлашди. Маълум бўлишича, очофат чумолилар гулқоғоздаги елимни хуш кўриб истеъмол қилишар экан. «Вой ярамаслар-ей!» дея лаънат ёғдиришди шаҳарликлар.

Энди қандай чора топишаркин?

ana shunaqa gaplar...

Sport

ЮРГАН ДАРЁ

1998 йил 1 сентябрь куни велосипедда дунё бўйлаб 3 йиллик саёҳатга жўнаб кетган юртдошимиз Мурод Қосимов йўл юриб, йўл юрса ҳам мўл юриб, тоғу тошлардан ошиб, айни дамларда Саудия Арабистонидан Миср давлати ҳудудига қадам қўйди.

СПОРТ БАЙРАМИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ходимларининг спартакиадаси бўлиб ўтди. Спорт тарғиботига улкан ҳисса қўшаётган соҳа ходимлари унинг ширин «мева»сидан ўзлари ҳам татиб кўришди.

ЎЗБЕК СПОРТ АВТОМОБИЛИ

«Нексия»миздан бир қанчаси Италияга йўл олиб, махсус фирма томонидан жиҳозланган ҳолда, спорт автомобилига айланиб қайтди. Яқинда ўтказилган синов машқларида «тулпор»ларимиз дунёнинг машҳур пойгачи автомобилларидан ҳеч бир жиҳатдан қолишмаслигини намоён қилди.

ЗАФАР ЁР БЎЛСИН

Англияда ўтаётган ёшлар ўртасидаги Европа биринчилигида умидли теннисчимиз Фаррух Дўстов ҳам иштирок этаяпти. Фаррух, Осиёда бошланган зафарли юришинг Европада ҳам давом этсин!

ОСИЁ «ЮЛДУЗ»И

Осиёнинг XX асрдаги энг зўр футболчиси деб жанубий кореялик Бум Кун Ча топилди. Насиб бўлса, XXI асрнинг энг зўри, албатта, ўзбекистонлик бўлади.

maydonchasi

ҚУТЛОВ

Қашқадарё вилояти Касби тумани Т. Мирзаёров номидаги мактабнинг «Маънавият ва маърифат» ташкилотчиси Ғайрат ЁМҒИРОВ!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Ишларингизга зафарлар тилаймиз!

Отангиз Бозорбой, онангиз Итолмас, рафиқангиз Рисолат, фарзандларингиз Ҳаким, Бекзод, Ширин, Моҳинур ва укаларингиз Наврўз, Ҳасан-Ҳусан.

Mutaxassis maslahati

ХУШХУЛҚЛИК АСАБНИ АСРАЙДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, кейинги йилларда ер сайёрасида яшовчи ҳар 4-5 кишидан бири асаб дарди ёхуд у ёки бу қўринишидаги руҳий касалликка чалинган. Маълумки, киши жисми-танасининг беминнат ишлаши, меҳнаткашлигининг сиру асрори унинг бош мия орқали бошқарилишидадир, яъни асаб тизими организмнинг энг олий бошқарувчисидир. Барча аъзо ва тизимлар иши унинг фаолиятига ва ҳолатига боғлиқ бўлади.

Асаби яхши одамнинг саломатлиги яхши, иродаси кучли деб бежиз айтишмайди. Киши турмуши яхши бўлса, яъни у тинчлик, осойишталикда яшаса, хурсандчилик бўлса, асаб маркази бўлмиш бош мия ўз ишини яхши бажаради, асаб мувозанати бузилмайди.

Олимларнинг таъкидлашича, одатда бош мия ўз фаолиятини қўзғолиш орқали бажаради. Бу икки ҳолат доимо бир-бири билан ўртача мувозанатда бўлади.

Кишининг асабийлашиши ташқи ва ички муҳитнинг салбий таъсирига боғлиқ. Агар салбий стресс эмоциялари кишида такрорланаверса, улар аста-секин йиғилиб бош миядаги қўзғолиш ва тормозланиш жараёнини бузиб, асаб бўшашишига олиб боради. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат: арзир-арзимас нарсалардан хафа бўлиш, вақтида яхши дам олмаслик, ўз турмушидан кўнгли тўлмаслиги, оилада, ишда бўладиган уруш-жанжаллар, келишмовчиликлар, нохуш кайфият, касаллик, спиртли ичимлик ичиш, тамаки, нос чекиш ва ҳоказолар.

Кам ҳаракат қилиб, доимо ўтириб ишлайдиган одамлар қони кислород билан етарли таъминланмайди, тўқима ва аъзолари кислородга ёлчимайди. Натижада одамлар тез чарчайди ва толиқиб қолади.

Кислород эса куч-қувват ва ҳаёт манбаидир. Жисмоний иш қилганда организмнинг кислородга бўлган талаби 2-3 марта ортади. Ақлий меҳнатда ҳам кислород кўп сарф бўлади. Асаб ҳужайралари бир неча минут ҳам кислородсиз туролмайди.

Бунинг устига инсон асабийлашганда унинг организмида модда алмашинуви бузилади. Асаб таранглашиб (стресс), ҳаяжонланган вақтда эса, кўп энергия (қувват) сарф бўлади. Жумладан, бош мия шу вақтда жуда кўп глюкоза, оксигенни истеъмол қилади ва кислородга муҳтожлиги ошади.

Одам тез-тез нафас олади. Юрак уриши кучаяди ва тезлашади. Мана шундай кучли зўриқишдан киши ниҳоятда чарчайди. Мия ва мия қобиғидаги қон томирларининг тонуси ўзгаради.

Бош оғриғи пайдо бўлади, уйқу бузилади, хотира пасаяди. Киши юрагида оғриқ сеза бошлайди. Қон босими ҳам бирдан кўтарилиб, натижада мияга қон қуйилиш жараёни бошланади. Кейинчалик юраги қисиладиган, арзимаган гапларни ҳам ўзига оладиган бўлиб қолади. Буларнинг ҳаммаси асабни секин-аста ишдан чиқариб, невроз (асабийлик) касалига дучор қилади.

Жисмоний меҳнатнинг камайиб кетиши мушакларнинг кам ҳаракатлигига, гипокинезияга, яъни мушаклар «очлигига» олиб келади. Маълумки, мушаклар ҳаракати турли тана аъзоларининг, жумладан, асаб фаолиятининг нормал ишлашини таъминлаб турувчи омиллардан биридир.

Олимларнинг таъкидлашича, киши ташқи муҳитдаги ёмон таъсирга қанчалик сезгир бўлса, организмнинг инфекцияларга ва юқумли касалликларга нисбатан чидами шунчалик пасайиб кетади. Натижада киши ҳар хил касалликларга тез чалинадиган бўлиб қолар экан.

Қадим вақтларда табибларнинг кузатишидан шу нарса аниқландики, бахил ва бировларга заҳрини сочувчи кишилар кўпроқ ошқозон-ичак касаллигига дучор бўлишган, қаттиқ ғам-алам чекувчилар қандли диабет касалига чалинган, доимо қўрқувда юрадиганлар эса тиреотоксикоз (қалқонсимон без касаллиги) дардига мубтало бўлганлар. Ғам, умидсизлик, диққатвозлик, дардларини ичларида сақлаш каби ҳолатлар кишини тез қаритади.

Бизнинг ватандошимиз, тиббиёт олимининг буюк алломаси Ибн Сино ҳам асаб касалликлари олдини олиш ва даволаш хусусида тенги йўқ асарлар битганки, бу жаҳон тиббиёт илмида ҳозирга қадар ҳам ўрганилиб, фойдаланиб келинади.

Шуларга асосланиб олимлар ҳозирги вақтда кўп учраб турадиган хафақон (гипертония), атеросклероз, стенокардия, юрак инфаркти, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичак яраси, сурункали колит касаллиги, ички эндокрин безлари фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ дардлар, хусусан, тиреотоксикоз ҳамда диабет касалликларининг бошланғич босқичи, асаб тизими фаолиятининг бузилиши билан боғлиқ, деган фикрни айтмоқдалар.

Невроз асаб касалликлари орасида ҳаммадан кўп тарқалган бўлиб, унинг истергия, неврастения каби турлари кўпроқ учрайди.

Асаб касаллиги ёш болаларда ҳам учраб туради. Невроз (асабийлик) касаллигининг келиб чиқиш сабаб лари болаларда турлича бўлиб, биринчидан, боланинг она қорнидаёқ отаонасидан ўтган туғма асаб хусусиятларига боғлиқ. Бу тўғрида бир қатор чет эл олимлари ва таниқли невролог олим, ватандошимиз профессор Н.М.Мажидов шундай дейди: «Она қорнидаги бир парча гўшт, ҳақиқатдан ҳам Қуръони каримда хабар берилганидек, 40-45 кунда одам қиёфасига киради. Шу даврдан бошлаб ота-она узларини ёмон гаплардан, ҳаяжонланишлардан тиймоқлари даркор.

Ҳомиладор аёлнинг асаби бузилса, ҳаёти нотинч бўлса, бўлажак фарзанд ҳам қоринда безовталаниб, саломатлигига таъсир қилади. Болаларнинг нимжон, баъзан асаби бўш, йиғлоқи бўлиб туғилишининг сабаби ҳам шунда!»

Иккинчидан, бола туғилгандан сўнг ташқи муҳитнинг таъсир қилиши, нотўғри тарбия ва бошқа салбий таъсирлар уни касалликка мойил қилиб қўядиган асосий сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Касаллик аломатлари эндигина бошланаётган даврда ва юқоридаги кўнгилсиз ҳаёл ларнинг олдини олиш учун аввало, оилада, ишхонада ва кўча-кўйда самимий, хушмуомала бўлиш керак.

Шунингдек, меҳнат ва дам олишни тўғри уюштириш, ўз вақтида овқатланиш, зарарли одатларга ружу қўймаслик, тиниқиб ухлаш керак. Ёшлик давридан бошлаб баданни чиниқтириш лозим.

Ақлий меҳнат кишилари мунтазам равишда жисмоний иш билан шуғулланиб туришлари зарур. Эрталаб туриб бадан тарбия қилиш, спорт билан шуғулланиш ҳам асабни мустаҳкамлаб, иродани кучайтиради.

Келинг, бир-биримизга меҳрибон бўлайлик, ахир қисқа умримиз давомида қанча кўп яхшилик ва савобли ишлар қилсак, ўзимизга, саломатлигимизга, оиламизга, маҳалламизга ва халқимизга шунча фойдали. Ноўрин жанжал ва кераксиз қарама-қаршиликларга қимматли вақтимизни сарфлашдан не фойда. Мустақил ватанимиз учун соғлом инсонлар ва соғлом авлод керак. Бу бугунги кунинг талаби, истиқлолимиз қўйган улкан вазифадир.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ
Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Алишер НАЗАРОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-029. Тиражи 53.629. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. «Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди-20.00.